- 100 китоб тўплами -

ҒОЗЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

85-китоб

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу– қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилди ва қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳалар билан ҳам аграр соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳамда тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан ҳамкорликда фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинларини асосий ҳамда такрорий экиш муддатида етиштириш, иссиқхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш, ғаллачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали деҳқон ва фермерларимиз, чорвадор ва ветеринарларимиз, аграр соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Умид қиламизки, ушбу қўлланмалар тўплами Сиз – деҳқонлар, чорвадорлар ва тадбиркорларимиз учун фойдали бўлади.

Ҳосилингиз мўл-кўл, даромадингиз баракали бўлсин!

Рустам МАМАТҚУЛОВ,

“Агробанк” АТБ бошқарув раиси.

УЎК 636.598
КБК 46.83
Ғ 57

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар: А. Х. Холматов – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти “Иммуногенетика” лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Тақризчилар: С. И. Мавланов – Ветеринария фанлари доктори.
Р. И. Рўзиев. – Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, катта илмий ходими.
Н. Т. Шоймуродов. – Тошкент давлат аграр университети, Умумий зоотехника кафедраси доценти.

Лойиҳа иштирокчилари: У. Ф. Файзуллаев, М. С. Ҳайитбоев.

Муҳаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигида тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар масъулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ туҳфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021
© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021
© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-7174-1-1

МУНДАРИЖА

Кириш 7
Ғоз зотлари 9
Ғозларнинг биологик хусусиятлари 15
Ғозларни уяларда сақлаш ва асраш 16
Ғоз тухумларини очириш 19
Ғоз жўжаларини парваришлаш 24
Сўйиш 28
Ғозлардан олинадиган маҳсулотлар 28
Ғозларда учрайдиган касалликлар 31
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 37

КИРИШ

Ғозлар сувда ва сув олдида яшайдиган ташқи кўринишидан оққуш ва ўрдакларга ўхшайдиган парранда ҳисобланади. Уларнинг тумшуғида сезги органлари яхши ривожланган. Юқори ва пастки тумшуқ пластинкалари билан гўштдор тилининг икки четида фильтрлаш аппарати (мосламаси) жойлашган. Қовурғасида яхши ривожланган илмоқли ўсимтаси мавжуд. Қанотидаги биринчи бармоғининг учида тирноқ панжачаси бор. Кўплаб ғоз турларининг оёқлари калта бўлади. Олдинга қаратилган уч дона панжалари ўзаро сузиш пардаси (перепонка) билан уланган. Орқа панжаси калта ва олдингиларида юқори жойлашган бўлади. Ғозлар турларига қараб, суяк таркибидаги ҳавоси (пневматика) ҳар хил даражада бўлади. Уларда тери ости ҳаво бўшлиқлари мавжуд эмас. Семиз ғозларда тери остига ёғ йиғилади. Ошқозони осон кенгайиш хусусиятига эга. Мушакли ошқозони кенг, деворлари қалин ва кутикуласи зич жойлашган. Кўр ичаклари ўсимликхўрларда катта ва яхши ривожланган, гўштхўрларда кичкина ва яхши ривожланмаган. Ғозлар эркагининг клоакаси деворида ташқарига буралиб чиқадиган узун пениси мавжуд. Кўпчилик ғозларда томоғининг пастида суяклашган ҳаволи кенглик – арабан бўлиб, у товушни титратади. Патлари зич ва танасига ёпишиб туради. Пари қалин ва бир текисда бутун танасини ёпиб туради. Қанотлари учли бўлиб, туллаш даврида вақтинча 2-5 ҳафтага учиш қобилиятини

йўқотади. Ғозларда жинсий диморфизм кучли ривожланган: эркаги урғочисидан анча йирик ва туси ёрқин рангда.

ҒОЗ ЗОТЛАРИ

Арзамас ғозлари

Келиб чиқиши. Русь эски ғоз зотларидан. XVII асрда уруштириш учун яратилган зот. Номи Арзамас шаҳри номидан олинган. XIX аср бошларидан гўшт йўналишидаги ғоз зоти сифатида кўпайтирилган.

Умумий кўриниши. Оқ тусли ва кенг, бақувват гавдали ғоз.

Кўпайтириш. Чидамли, тез етилувчи зот, гўштининг юқори сифати, катта миқдордаги оппоқ пат ва парлари хомашёси билан ажралиб туради. Ғозлар 63 кунлигида вазни 3,5-3,7 кгни ташкил этади. Мавсумда 25-30 дона тухум беради. Тухумининг уруғланиши 80-90%, оғирлиги 170 г, ранги оқ рангда. Ғозларнинг тирик вазни: эркаклари 7-8 кг, урғочилари 6-7 кгни ташкил этади.

Виштинес зоти

Виштинес – Литва ва Шарқий Пруссия ғозлари билан, кейинчалик Эмден ва Померан зотларини мураккаб чатиштириш орқали яратилган. Бу ғоз зоти асосан Болтиқбўйида тарқалган. Уни семиртириб, катта жигари ҳамда сифатли пат ва парлари

учун боқилади. Ранги оқ тусли, мавсумда 25-40 дона тухум беради. Тухумининг оғирлиги 170-180 г. Тухум беришни 310 кунлик ёшидан бошлайди. Ғозларнинг тирик вазни: эркаги 6-6,5 кг, урғочиси 5,5-6 кгни ташкил этади.

Йирик кулранг зотли ғозлар

Келиб чиқиши. XX асрнинг 50-йилларида Ромен ва Тулуза зотларини чатиштириш, кейинчалик уларнинг катта тирик вазни ва тухум беришига қараб саралаб яратилган зот. Бу зот бир вақтнинг ўзида Украина паррандачилик илмий-ишлаб чиқариш институтида ва Россиянинг Тамбов вилоятидаги "Арженка" хўжалигида яратилган. Шунинг учун бу зот яна 2 та типга – Боровский ва Тамбовский степнойларга бўлинади.

Кўпайтириш. Маҳсулдор зот, гўшти жуда сифатли. Йилига 35-45 дона, икки циклда 60 донагача тухум беради. Тухумининг вазни 175 г, ранги оқ, тухум бериши мавсумли – февраль, апрель ойлари. Апрель-май ойларидан тухумининг уруғланиши пасайиб кетади. Ёш ғозларнинг 60кунлигидаги тирик вазни 4-4,5 кгни ташкил этади. Ёғли жигарининг оғирлиги 350-450 г. Ғозларнинг вазни: эркаги 7-9 кг, урғочиси 6-8 кг бўлади.

Хитой зотли ғозлар

Келиб чиқиши. Ушбу зот кўп асрлар олдин хонакилаштирилган Қуруқ бурун (сухонос) ғозидан яратилган. XVIII асрда Хитойдан Европага келтирилган. Йилига 45-70 дона, алоҳида маҳсулдорлари 100 донагача тухум беради.

Кўпайтириш. Ноёб зот, ажойиб ташқи кўриниши, серҳаракатлилиги билан ажралиб туради. Тухумининг оғирлиги 120 г, ранги оқ-қаймоқ ранг, 9 ойлик ёшидан тухум беришни бошлайди. Тухумдан ғоз жўжаларининг очиб чиқиши 75-80% ни ташкил этади. Ёш ғозларнинг 60 кунлигидаги тирик вазни 3-3,5 кг. Гўшти ёғсиз, нозик ва ширин мазали. Тирик вазни: эркаги 5 кг, урғочиси 4 кг бўлади.

Кубань зотли ғозлар

Келиб чиқиши. Хитой ва Горковь зотлари асосида Кубань қишлоқ хўжалик институтининг Паррандачилик кафедраси ходимлари томонидан XX асрнинг 60 - йилларида яратилган.

Кўпайтириш мақсади. Юқори маҳсулдор, тухум йўналишидаги зот. Йилига 75-85 дона, айримлари 140 донагача тухум беради. Тухумининг оғирлиги 150 г, ранги оқ-қаймоқ ранг, жинсий етуклиги 240-260 кунда, бир йилда 220-280 кун тухум беради. Тухумдан ғоз жўжаларининг очиб чиқиши 75-84% ни ташкил этади. Ёш ғозларнинг 60 кунлигидаги тирик вазни 3,4-3,7 кгни ташкил этади. Гўшти ёғсиз, нозик ва мазали. Тирик вазни: эркаги 5,5-6 кг, урғочиси 5-5,5 кг бўлади.

Горковь зотли ғозлар

Келиб чиқиши. XX асрнинг 50 - йиллари Россиянинг Горковь вилоятида Хитой зотли ғозлар билан маҳаллий зотларни чатиштириб, қони Солнечногор зоти билан аралаштирилган.

Кўпайтириш. Юқори маҳсулдор зот, гўшт ва тухум маҳсулдорлигини ўзида жамлаштирган. Жинсий етукликка 200-250 кунлигида эришилади. Ёш ғозларнинг 60 кунлигида тирик вазни 3,5-3,8 кгни ташкил этади. Йилига 45-50 дона тухум беради, оғирлиги 150 г, ранги оқ. Тухумининг уруғланганлиги 90%, жўжа очиб чиқиши 70-80% ни ташкил этади. Тирик вазни: эркаги 7-8 кг, урғочиси 6-7 кг бўлади.

Италия зотли ғозлар

Келиб чиқиши. Италия маҳаллий ғоз зотларидан мукаммаллаштириш орқали яратилган зот. XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён маълум.

Кўпайтириш. Маҳсулдор, тухум йўналишидаги зот, гўшти сифатли. Йилига 45-55 дона, икки циклда 70-80 дона тухум беради. Тухумининг вазни 165 г, ранги оқ. Ёш ғозларнинг 9-10 ҳафталигидаги тирик вазни 4-4,2 кг ни ташкил этади. Тухум босиш инстинкти мавжуд. Бу зот ёғли жигар етиштириш учун ҳам боқилади. Семиртирилган ғознинг тирик вазни 8 кг бўлса,

ундан 500-600 г ёғли жигар олиш мумкин. Тирик вазни: эркаги 5,5-7 кг, урғочиси 4,5-6 кг бўлади.

Рейн оқ зотли ғози

Келиб чиқиши. Германиянинг маҳаллий ғоз зотларидан тўғри селекция ишлари орқали яратилган.

Кўпайтириш мақсади. Тез етилувчи, тухум йўналишидаги ғоз зоти, сифатли гўшти билан маълум. Йилига бир циклда 45-50 дона, икки циклда 65-80 дона тухум беради. Тухумининг оғирлиги 170 г, ранги оқ. Маҳсулдор, тухум йўналишидаги зот, гўшти сифатли. Ёш ғозларнинг 63 кунлигидаги ёшида тирик вазни 3,8-4 кг ни ташкил этади. Ёғли жигар етиштириш учун ҳам боқилади, 500-600 г гача ёғли жигар олиш мумкин. Тирик вазни: эркаги 6,5 кг, урғочиси 5,5 кг бўлади.

Псков кал ғози

Келиб чиқиши. Қадимий Русь зоти бўлиб, Псков губерниясида маҳаллий уй зотларини ёввойи оқпешона зоти билан чатиштириш орқали яратилган.

Кўпайтириш. Йиллик тухум бериш 20-25 донани ташкил этади. Тухумининг оғирлиги 180 г, ранги оқ. Ёш ғозларнинг 63 кунлигидаги тирик вазни 3,9-

4,2 кг ни ташкил этади. Тирик вазни: эркаги 7,5-8,5 кг, урғочиси 6,5-7,5 кг бўлади.

Ромен зотли ғозлар

Келиб чиқиши. Полтава вилоятида маҳаллий ғозларни чатиштириш ва улардан маҳсулдорларини саралаб олиш орқали яратилган зот. Украинанинг Черниговск, Сумск, Полтава, Киев ва бошқа вилоятларда кенг тарқалган.

Кўпайтириш. Ғозларнинг тирик вазни эркаги 6 кг, урғочиси 5,5 кг ни ташкил этади. Ёш ғозларнинг 60 кунлигидаги ёшида тирик вазни 3,4-3,5 кг ни ташкил этади. Йилига бир циклда 15-20 дона тухум беради, оғирлиги 160-170 г ни ташкил этади.

Холмогор зотли ғозлар

Келиб чиқиши. Қадимий Русь зоти. Россиянинг марказий вилоятларидаги маҳаллий оқ рангли зотлар билан Хитой зотини чатиштириш орқали яратилган зот.

Кўпайтириш мақсади.
Кучли, чидамли, гўшт йўналишидаги, ажойиб ташқи кўринишга эга бўлган зот. Йилига 30-40 дона тухум беради, оғизлиги 190 г, ранги оқ. Ёш ғозларнинг 60 кунлигидаги тирик вазни 3,9 кг ни ташкил этади.

ҒОЗЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ғозлар биологик ҳусусиятларига кўра, кўк ўтларни кўп миқдорда истеъмол қилувчи парранда ҳисобланади. Шу боисдан, ем харажатларини 30% гача камайтириш мумкин. Бошқа томондан эса ғозлар чимларни чимтиб чўқиганликлари учун деярли бутун ҳаётларини майсазорларда ўтказишлари мумкин. Сувда яшовчи парранда турига оид бўлсалар-да, сувсиз ерларда ҳам яшай оладилар. Ғозлар ҳаётларининг илк ҳафтасиданоқ ўтлоқларда ўтлаши мумкин. Бироқ қуруқ ўтли далаларни хушламайди. Яйловларнинг сифати ва ғозларнинг катталигига қараб 0,10 гектар ўтзор 20-40 та ғоз учун етарли бўлади.

Ғозлар тўғри тарзда сақланадиган бўлса, камдан-кам ҳолларда касалликгачалинади. Товуқ ва куркаларда катта муаммолар келтириб чиқарувчи кўплаб касалликлар ғозларда учрамайди. Товуқларда 5-10% ўлим ҳолатлари нормал деб қаралса, ғозларда бу кўрсаткич 1-7% орасида бўлиши аниқланган. Кўриниб турибдики, ғозлар жуда чидамли паррандалардир.

Ғозлардан ёввойи ўтларга қарши курашда фойдаланиш

Ғозларни бошқа паррандалардан ажратиб турадиган энг ўзига хос жиҳати деҳқончиликда ёввойи ўтлар билан курашиш мақсадида улардан фойдаланиш мумкинлигидир. Ғозлар асосий ўсимликларга зарар бермасдан ёш ёввойи ўтларни териб ейди. Шу тариқа кимёвий дорилар қўлламаган

ҳолда ёввойи ўтларни йўқ қилишда ғозлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, далаларга озроқ дон сепиш орқали ғозларнинг шижоатини янада ошириш мумкин.

Ғозларнинг касаллик ва атроф-муҳит ўзгаришларига чидамлилиги

Уларни боқиш бошқа парранадаларга қараганда осон ва камчиқимлиги билан ажралиб туради. Энг содда бошпаналарда, ҳатто, баъзан бошқа паррандалар яшайдиган катакларнинг бир бурчагида осонгина кун кечира оладилар. Турли касалликларга қарши чидамли эканликларидан дори-дармон харажатлари ва ўлим кўрсаткичи оз бўлади. Жўжалик даврларида бироз эътибор берилганидан сўнг боқиш осонлашади ва ҳаётларини муаммоларсиз давом эттираверадилар. Ғозларни парваришлаш ва бошқариш бошқа паррандаларникидек қийин эмас.

ҒОЗЛАРНИ УЯЛАРДА САҚЛАШ ВА АСРАШ

Ўта совуқ ва бўронли ҳаводан бошқа ҳолларда вояга етган ғозлар (6-8 ҳафталик) бошпанага кўп ҳам киравермайди. Совуқ ҳудудларда товуқ катаклари, очиқ айвон ёки омборхоналар ғозлар учун бошпана ролини ўйнайверади. Ғозхоналарнинг тагига тўшама сифатида сомон, похол, ёғоч қириндиси ёки қуруқ ўт тўшалиши мумкин. Бу тўшама тез-тез қориштириб турилади. Ҳаддан зиёд ифлосланган қисмлари чиқариб ташланади. Тўшаманинг моғорланмаслигига диққат қаратиш лозим. Шунингдек, ғозларнинг бошпаналари мушук, ит ва каламушлардан ҳимояланган бўлиши ҳам зарурдир. Ғозлар катак ёки қутиларга, ҳовлидаги бочкаларга ин

қуради. Бу инларда учтагача мода қуш тухум босиши мумкин. Модаларига ўз инларини танлаш имконини бериш керак. Ғозлар асосан 6-8 ҳафталикдан бошлаб катакларга эҳтиёж сезишмаса-да, шиддатли совуқ ва ёғингарчиликда қолиб кетишса, зарарланиши мумкин.

Уй шароитида ғозлар учун уячалар.

Иссиқлик - ёпиқ бошпаналарнинг ичи газ, мазут ёки электр токида ишловчи иситгичлар ёрдамида иситилади. Ғоз жўжалари товуқ жўжаларига нисбатан баланд бўйли ва гавдалидир. 250 ватт кучланишли битта лампочка кичкина тўдани иситишда бошқа турдаги иситкичларга қараганда анча осон, ишончли ва ҳамёнбопдир.

Тўшама - бошпаналарнинг таг қисми 7,5-10 см қалинликдаги тўшама билан қопланади. Тўшама полни иссиқ тутади ва намликни тўсади. Тўшама ўлароқ похол, ёғоч қириндилар, қоғоз қириндилар, ингичка кесилган сомон ва шунга ўхшаш моддалардан фойдаланса бўлади.

1. Майда ёғоч қириндилар

2. Йирик ёғоч қириндилар

3. Майда сомон

Тухум қўядиган ин (жой) - тухумга кирган ғозлар учун махсус жой талаб этилмаса-да, улар учун алоҳида ин тайёрлаб, тухумларини ўша жойларга қўйишга ундаш мумкин. Ғоз бошпанасининг бир четига қуриладиган тухумлайдиган ин майдони 60х60 см ёки 50х50 см, баландлиги эса 45 см бўлиши тавсия қилинади.

Емдон ва сувдон - емдонлар озуқа тўкилиб кетмайдиган, сувдонлар эса ғозлар кираолмайдиган ва сувни тўкаолмайдиган қилиб ясалади. Бир дона сувдонга бошида 100-200, битта емдонга эса 125 та жўжа тўғри келади. Бу рақам муҳит ҳарорати ва паррандаларнинг катталигига қараб ўзгариши мумкин. Жўжалар улғайгани сайин сувдонларнинг сони кўпайтириб борилади.

ҒОЗ ТУХУМЛАРИНИ ОЧИРИШ

Ғоз тухумларини инкубаторларда очириш унчалик кенг тарқалмаган. Товуқ тухумларига қараганда ғоз тухумларининг инкубацион даври узоқроқ давом этади. Тахминан 30 кун. Сифатли, тоза тухумлар инкубаторга жойлаштирилишидан илгари фумигация қилинади (буғда кимёвий ишлов берилади) ва инкубатор ичига жойлаштирилади. Табиий усулда ҳар бир курк ғозга 10-12 дона тухум бостиришга қўйилади.

Табиий курк бўлиш

Ғоз тухумини инкубаторда очириб чиқариш имкони бўлмаса, унда курк бўлган она ғозлар ёки бошқа паррандалар (курка, товуқ, ўрдак ва бошқалар) тагига қўйиб очириш мумкин бўлади. Курк бўлган парранданинг йириклигидан келиб чиқиб, ғоз ёки курка тагига 9-15 дона тухум қўйилади. Тухумлар парранданинг тагидан думалаб чиқиб кетмаслиги, тўшама ёки полга тушиб қолмаслиги учун хабардор бўлиб туриш керак.

Курк гозни танлаб олиш. Тухум қилиш мавсумининг охирига келиб, ғозлар ўзларидан пат ва парларини юлиб,

инларига тахлай бошлайди. Урғочи ғоз охирги тухумини туққанидан кейин уяда қолади, фақат озиқланиш учун ташқарига чиқиши мумкин. Шу даврда курк паррандани топиш зарур бўлади, кейинчалик ташлаб кетмаслиги учун уни яхшилаб текшириб кўриш керак. Одатда, ёши каттароқ курк бўлган ғозларга берилади. Тухумни унинг тагига қўйишдан олдин, 3-4 кун бошқа тухумлар қўйилиб текшириб кўрилади, агар ташлаб кетмаса, тухумни бемалол қўйиш мумкин. Хонада тинчлик, осойишталик бўлиши керак, ёруғлик хира бўлгани маъқул.

Уяга кўникиб, хотиржам ўтириши учун курк ғоз уяга кечаси ўтказилади. Яхши курк ғоз тухумга ўтиргандан кейин дарров тухумларни тагига олишни бошлайди ва хотиржам ўтиради.

Уя тухум қўйишдан олдин 2% ли каустик содаси, 2% ли хлорли оҳак ёки 1% ли формалин билан дезинфекция қилинади, қуритилади, полига қуруқ, чиримаган, моғорламаган сомондан тўшама солинади. Тўшама тагига кул билан ромашка ўсимлигининг кукуни аралаштирилиб, ҳар хил зараркунандалар пайдо бўлмаслиги учун сепилади.

Курк бўлган ғозларни парваришлаш. Курк бўлган ғозларга ҳар куни сув ва озуқа берилади. Озуқа ва тоза ичимлик суви уя ёнига қўйилади.Тухумда ўтирган курк ғоз рационига (творог, сут ва бошқалар) келиб чиқиши ҳайвонларга оид бўлган озуқалар қўшилади.

Инкубацион тухумнинг ривожланишини кузатиб бориш. Инкубациянинг 11-куни тухум овоскопда ёки қуёшнинг нурида юқорида таъкидлаб ўтилганидек кузатилади. Кузатув вақтида уруғланмаган ёки муртаги нобуд бўлган тухум аниқланиши мумкин. Уруғланмаган тухумнинг ичи бир текис ёруғ бўлади, уруғланган тухумда бутун тухум бўйлаб чўзилиб турган ипсимон қон тизими ва қора доғча катталигида кўзга ўхшаб кўриниб турган муртакни кузатамиз. Муртаги нобуд бўлган тухумда муртакни ўраб олган қон ҳалқасини кўриш мумкин. Бундай тухумлар уядан олиб ташланади. Уядан яна тухум – тумаклар ҳам олиб ташланади.

Инкубациянинг 27-куни иккинчи кузатув ўтказилади. Бу вақтда ғознинг тумшуғига ўхшаган (букри) ҳаракатдаги соя кўринади. Муртаги нобуд бўлган тухумда қон томирлар тизимисиз бир текис қора масса (қуйқа) кўринади. Айрим ҳолларда бундай тухумлар товланади. Бундай тухумлар ҳам уядан олиб ташланади. Ғозлар тухумидан 28-30 кунда жўжаси очиб чиқади. Оғир вазнли зотларда 1-2 кунга кечроқ чиқиши мумкин.

Жўжалар тухумдан очиб чиқиш вақтида курк ғозлар безовта бўлади, бу даврда уларни уядан олиб бўлмайди. Очиб чиққан жўжаларнинг усти тўлиқ қуримагунча ва киндиклари тортилмагунча уларга тегиб бўлмайди. Қуриган ғоз жўжалари киндигини жароҳатламаслиги учун тагига сомон ёки латта солинган қутиларга жойланади ва бошқа иссиқ хонага олиб чиқилади. Шу билан бирга тухум қобиқлари ҳам олиб ташланади. Жўжа чиқиши тугагунича хона ҳарорати +26+28 °С да ушланади.

Агар айрим тухумлардан жўжа чиқиши қийинлашса ва чийиллаган хавотирли товуш чиқса, қобиқости пардаси қуриб, ёпишиб қолган бўлса ёки жўжа тухумнинг учли томонидан ёриб чиққан бўлса, бундай жўжаларга ёрдам бериш керак бўлади. Бунинг учун эҳтиёткорлик билан тухум қобиғи майда парчаларга бўлиб ажратиб олинади, агар шунда қон кўринса ёрдам бериш дарҳол тўхтатилади. Ғоз жўжалари тўлиқ тухумдан очиб чиққандан кейин она ғознинг олдига қўйиб юборилади. Агар бир вақтнинг ўзида 2-3 курк ғозлар жўжа очиб чиққан бўлса, унда ҳамма жўжаларни бир қилиб, бир она ғозга қўшиб қўйиш ҳам мумкин.

Сунъий инкубация

Ғоз тухумлари бошқа паррандалар тухумларидан ўзининг катталиги, қобиғининг қалинлиги, тузилиши, кимёвий таркиби ва инкубация вақтининг узунлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ғоз тухумининг инкубацияси ўз хусусиятларига эга. Энг муҳими, бошида ва охирида фарқли режим талаб этилади.

Инкубациянинг биринчи кунлари тухумни тез (2-3 соатда) ва яхши иситиш керак бўлади. Охирги кунлари, жўжа очиб чиқишидан олдин физиологик иссиқликни ўз вақтида ва доимо ташқарига чиқариб туриш зарур. Сувда сузувчи паррандалар учун инкубация вақтида қўшимча совутиш ва

ҳавони намлаб туриш тизими керак бўлади.

Инкубатор параметрлари. Ғоз тухумларини “Универсал” инкубаторларида инкубация режими турли схемада ҳар хил қўйилади (1- ва 2-жадваллар).

Қуйидаги схемада тухумлар инкубаторларга қўйилганда инкубация параметрлари қуйидагича бўлади: бир партия тухум ўртача шкафда 1-кундан- 9-кунгача, 10-куни охирги шкафга ўтказилади, лотокда 52 донадан тухум қўйилади (“Универсал” инкубаторида).

1-жадвал

Номи	Кун	Қуруқ термометр кўрсаткичи, t°C	Нам термометр кўрсаткичи, t°C	Вентиляция қопқоғининг очиқлиги, мм
Инкубация шкафи	1-9	37,8-38	30-31	15
Инкубация шкафи	10-28	37,5	28	15
Очириб чиқариш шкафи	–	37,2	29 (чиқиш олдидан, чўқиш вақти) 32 (очиб чиқишда)	20

Қуйидаги схемада тухумлар инкубаторларга қўйилганда инкубация параметрлари қуйидагича бўлади: бир партияда бир вақтнинг ўзида шкаф хажмига нисбатан 75-100% тухумни қўйиш (“Универсал” инкубатори).

2-жадвал

Номи	Кун	Қуруқ термометр кўрсаткичи, t°C	Нам термометр кўрсаткичи, t°C	Вентиляция қопқоғининг очиқлиги, мм
Инкубация шкафи	1-15	37,8	29	15
Инкубация шкафи	16-28	37,4	27,5	15
Очириб чиқариш шкафи	–	37,2	29 (чиқиш олдидан, чўқиш вақти) 32 (очиб чиқишда)	20

ҒОЗ ЖЎЖАЛАРИНИ ПАРВАРИШЛАШ

Янги очирилган жўжалар тоза катакда, яхши шамолла-тиладиган ва қуруқ муҳитда сақланиши лозим. Бошида уларга керакли ҳарорат товуқ жўжаларинiки каби юқори эмас ва эртароқ иссиқлик амалиётидан воз кечиш мумкин.

Икки ҳафталик жўжалар илиқ ҳаволи кунларда ташқари-

га чиқарилиши мумкин. Бундай пайтларда жўжалар ёғингарчиликда яширинишлари ёки катакларига қайтиб киришлари ўргатилгунгача эътиборли бўлиш талаб қилинади. Ғозларни сов қотишдан асраш учун бошпаналарини қуруқ ҳолда тутиш керак. Агар жўжалар сақлайдиган хонанинг ҳарорати меъёрдан паст бўлса, бир-бирларининг пинжларига кириб, тўпланиб олишлари кузатилади ва бундай ҳолатларда уларга нафас етишмай қолиш хавфи бор. Шунингдек, жўжалар қисман пат билан қопланмагунча ҳўл шароитларга мослашмаганликлари учун 2 ҳафтагача сузишга йўл қўймаслик керак. Уч кунлик жўжалар аста-секин ўтлашга ўргатилади. Ғоз бошига тўғри келадиган яйлов миқдори қуйида келтирилган.

3-жадвал

Турли ёшдаги ғозлар учун талаб қилинган ер майдони

Ёши	1 м² га тўғри келадига жўжа сони
1-2 ҳафталик	10
3-4 ҳафталик	5
5-6 ҳафталик	2,5
Улғайган	1

Бироз катта жўжаларнинг бошпаналари озода тутилиши жуда муҳим. Бошпана сифатида қўлланиладиган жойнинг таг қисми, шифти ва деворлари ювилиб, дезинфекция қилинади. Ғозчаларнинг ўсишини ҳисобга олган ҳолда бошпанада улар учун етарли миқдорда жой ҳозирлаш керак. Жўжалар 4-6 ҳафталик бўлганидан бошлаб ҳаво ҳарорати яхши бўлган чоғларда ўтлоққа чиқарилиши мумкин. Уларни ёмғир ва ҳўл бўлишдан асраш лозим. Катакдаги тўшама доим қуруқ бўлиши керак. Жўжалар бир ойлик бўлгунича 40-50 бошдан бир жойда парвариш қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Озуқаси бўтқа ёки гранула (донадор) кўрини-

шида берилса, ем исроф бўлишининг олди олинади.

Ёш ғозларни бўрдоқилаш деб ҳаётларини ёпиқ ҳудудда кечирадиган ва шу жойда тўла қимматли протеинга бой рацион билан боқиладиган ёш ғозларга айтилади. Бу боқиш жараёни жуда қисқа бўлиб, тахминан 14 кун давом этади. Тижорий фермаларда шу тарзда етиштириладиган ёш ғозларнинг вазни 14 ҳафта ичида 6 кг га етиши мумкин. Бундай ғозлар ўтлоқларда боқилган ғозларга нисбатан семизроқ кўринади. Аммо қисқа муддатда эришилган бундай вазн 25 кг ем ейиш орқали таъминланади. Ўнинчи ҳафтагача ҳафталик вазн йиғиш миқдори деярли 450 граммни ташкил этади. Бу жадал ўсиш кейинги ҳафталарда сезиларли даражада пасаяди. 4-жадвалда 16 ҳафталик ёшга тўлгунча эркин боқилган ғозлардан кутиладиган тирик вазн берилган.

4-жадвал

Ғозларнинг ёшига қараб кутиладиган тирик вазни

Ёши (ҳафта)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Тирик вазн (кг)	0,3	0,7	0,9	1,6	1,9	2,6	3,2	3,7	4,1	4,5	4,7	5,2	5,4	5,8	5,9	6,3

Наслли ғозларни парваришлаш ва озиқлантириш

Ғозлар тухум қўйишни фақат январь-февраль ойида бошлайди ва июнь-июль ойларигача давом эттиради. Бу давр ғознинг зотига қараб ўзгариб турса-да, одатда 130 кун давом этади. Тухумлаш жараёнини эртароқ бошлаш учун тухум туғиш мавсумидан олдин ғозларнинг бошпанаси кунига 14-16 соат ёритилишини йўлга қўйиш керак.

Насл учун мўлжалланган ғозларнинг жуфтлашиши ва

уруғланган тухум олиниши учун албатта ҳовуз ёки сув ҳавзаси бўлиши шарт эмас. Ғозлар қуруқликда ҳам бемалол жуфтлаша оладилар. Сувда жуфтлашган баъзи оғир зотли ғозларнинг тухумларига нисбатан уларда жўжа очиб чиқиш нисбати юқорироқ. Насл қолдириш жараёнида 1 эркак ғозга 3-5 бош мода тўғри келади. Мода ғозлардан 10 йил, эркакларидан эса 5 йилдан кўпроқ муддатда насл олиш учун фойдаланиш мумкин.

Эркак ғозларнинг баъзилари фақатгина битта жуфтга мойиллик кўрсатиши ҳам учраб туради ва табиийки, бундай ҳолатларда оталанган тухум сонида камайиш кузатилади. Шундоқ ҳам оз бўлган ғоз тухумларини максимал даражада уруғлантириш мақсад қилинади. Шу боисдан ғозчиликда сунъий уруғлантириш жуда муҳим ўрин тутади. Эркак ғозларни массаж қилиш ва сунъий вагина йўли билан олинган сперма ёрдамида 9-12 тагача мода ғоз уруғлантирилади. Уруғ эркак ғозлардан 2-3 кунда бир олинади. Модалар эса ҳар беш кунда бир уруғлантирилади. Суюлтирувчи сифатида 100 мл фильтрланган сувда 1,65 г натрий глутамат, 0,57 г натрий цитрат ва 0,31 г глюкоза қўшиб тайёрланган эритмадан фойдаланилса, уруғланиш кўрсаткичи 85-96% гача кўтарилиши исботланган.

Ғозларни қиш фаслигача ўтлоқда сақласа бўлади. Тухум қўйиш бошлангач, озиқлантириш жадвалига амал қилиш керак. Бу давр мобайнида сифатли, қуруқ озуқа аралашмаси ва

ғозларни ривожлантирувчи омухта ем берилади.

Қайси даврда бўлишидан қатъи назар, насл олинаётган ғозларга витамин ва минераллар қўшимчаларини бериш инкубация самарадорлигини ошириши мумкин.

СЎЙИШ

Ғозлар имкон қадар тезроқ ва тўғри сўйилиши керак. Сўйишга 8-10 соат қолганида озуқа, 3 соат қолганида сув бериш тўхтатилади.

Сўйиш босқичлари: сўйиш, қонсизлантириш, ҳўллаш (қайнаган сувга ботириш), патини юлиш ва ичини тозалаш. Сўйишни тўғри ташкиллаштириш орқали имкон қадар кўпроқ қон чиқарилади, тўлиқ қонсизлантирилган гўшт нимтаси узоқ муддат сақланади ва сифати бузилмайди. Патини юлиш икки хил усулда: сув билан ва сувсиз (қуруқ ҳолда) амалга оширилади. Қуруқ йўл билан (сувсиз) патлар тозаланганда ғознинг танаси сифатли бўлибгина қолмай, патларининг сифати ҳам сақлаб қолинади. Бироқ кўп куч ва вақт талаб этганлиги боис кўпчилик бу усулдан қочади. Ҳўл тозалашда эса, иссиқ сувга ботириш орқали ғозларни янада тез ва арзонроқ тозалаш мумкин. Ғоз танасининг 70-74 фоизидан фойдаланиш мумкин.

ҒОЗЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР

Ғоз пати

Ғозлардан олинадиган маҳсулотлар ичида энг аҳамиятлиси, шубҳасиз бу унинг патидир. Ғозлар сўйилиб тозалангач, айниқса, кўкрак патлари махсус шампун билан ювилгач, қуритиб тозаланади ва фойдаланишга тайёр ҳолга келти-

рилади. Ғоз пати кўрпа-ёстиқ тайёрлашда, турли мебеллар ясашда, бўёқ саноати ва қармоқ илмоғи (уч) тайёрлашда фойдаланилади. Жун, тола ва пахтага нисбатан қиммат бўлса-да, узоқ йиллар хизмат қилганлиги учун бозоргир ҳисобланади. Баъзи ғоз зотлари асосан майин патлари учун боқилади. Эмбден зотли ғозларнинг оппоқ патлари бошқа турдаги ғоз патларига қараганда қимматроқ юради. Ёши катта ғозалардан майин пат (пар) кўпроқ олинади. Улардан йилига 200-250 г атрофида пат олиш мумкин.

***Ғоз пати ювиш мумкин бўлган, терлатмайдиган гигиеник маҳсулотдир*.**

Ғоз жигари

Жигари учун ғоз етиштириш Франция ва жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Европа давлатларининг бир қанчасида дастурхон кўрки ҳисобланувчи ғоз жигари жуда мазали бўлиб, қиммат нархларда сотилади. Одатий ҳолларда 100-150 г келадиган жигарни махсус интенсив озиқлантириш йўли орқали 500-900 г катталикка чиқариш имкони мавжуд. Ғоз жигарини катталаштириш классик усулда мажбурлаб боқиш орқали амалга оширилади. Жигар ўстиришнинг яна бир усули эса ёғга тўйинган емлар билан боқишдир. Бу усул ҳам натижа жиҳатидан мажбурлаб боқишдек самарали бўлмаса-да, соғлом жигар олишда қўл келади.

***Жигар ғозчиликнинг энг муҳим маҳсулотларидан бири ҳисобланади*.**

Ғоз гўшти

Қовурилганда оғизда эрийдиган тилларанг териси билан зиёфатлар учун жуда лаззатли таомларини тайёрласа бўлади. Ғоз гўшти товуқ гўштига қараганда тўйимли ва энер-

гияга бойдир. Чунки ғоз гўшти таркибида икки карра кўп ёғ сақлайди. Ғозлар гўшт учун боқилганда ҳайратланарли вазнга эришади ва бошқа паррандаларни ортда қолдиради.

Ғоз гўшти жуда лаззатли маҳсулотдир.

Ғоз тухуми

Ғозлар тухум қўйишни йил бошида бошлайди. Ғознинг зотига қараб ўзгариб турса-да, бир мавсум давомида (тахминан 130 кун) 15-60 дона тухум қўйиши мумкин. Баъзи Хитой, Ромен ва Тулуз зотлари бунданда кўпроқ тухум бериши кузатилган. Мода ғозлар 8-10 ёшгача яхши тухумлайди. Аммо, сермаҳсуллик сўнгги йилларга нисбатан илк йилларда яхшироқ бўлади. Тухумлари товуқ тухумларига қараганда анча катта ва кўпчилик томонидан фақат овқат маҳсулоти сифатида ишлатилади. Тухумларининг оғирлиги ўрта ҳисобда 150-200 г ни ташкил қилади. ***Паррандалар орасида энг оғир тухумлар айнан ғозларга тегишли***. Ғозларнинг тухум маҳсулдорлиги паст бўлганлиги сабабли улар асосан инкубаторда чиқариб жўжаларни гўшт учун боқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ғозларда учрайдиган касалликлар

Пастереллёз (холера)

Бу касаллик ўта юқумли, септицемия ҳолати ва паррандалар орасида юқори ўлим бўлиши билан характерланади. Касаллик қўзғатувчиси – пастерелла бактерияси ташқи муҳитга жуда яхши мослашган. Товуқ гўнгида 72 кунгача, донда 44 кунгача, патларида ва тухум қобиғида 26 кунгача, парранда мурдасида 4 ойгача яшайди. Пастереллез касаллиги билан барча уй ва ёввойи паррандалар, айниқса, ғозлар тез касалланади. Касаллик қўзғатувчиси дезинфекцияловчи моддаларга чидамсиз, оддий концентрацияларда 5 дақиқа давомида нобуд бўлади. Касаллик касалланган ва касалликни ўтказган паррандадан бошқа жониворларга юқиши ва ифлосланган сув, озуқа, инвентарь, атрофдаги ҳаво орқали ўтиши мумкин. Клиник белгилари: бўшашган, бурун тешиклари ва тумшуғидан кўпикли шиллиқ суюқлик осилиб тушади. Тана ҳарорати +43,5 °С гача кўтарилади. Гўнги суюқ, кулранг, сариқ ёки яшил рангда бир хилда қон аралаш бўлади. Иштаҳаси бўлмайди, кучли чанқоқлик, умумий қувватсизлик пайдо бўлади ва натижада парранда нобуд бўлади. Хўжаликда пастереллёз касаллиги аниқланганда фермага карантин ўрнатилади.

Касалликка гумон қилинган паррандахонадаги барча ғозлар зудлик билан йўқ қилинади. Паррандахона, сайр майдонлари, паррандахона атрофидаги ҳудудлар яхшилаб тозаланади ва дезинфекция қилинади. Пастереллезга қарши энг яхши восита бу антибиотиклар ва сульфаниламидлардир.

Аспергиллез

Аспергиллез – ғозларда респиратор органлари зарарланиши билан характерланадиган касаллик. Касаллик қўзғатувчиси – микроскопик катталикдаги аспергиллюс замбуруғи. Ёш паррандалар орасида ўлим кўп кузатилади. Катта ёшдаги паррандалар бу касалликка чидамли бўлади. Ҳаво орқали – аэроген усули билан парранда касалланади, ички органларга (юрак, жигар) аспергиллалар қон орқали ўтади. Аспергиллез билан зарарланган инкубацион тухумлардан инкубатор орқали ҳам тарқалиши мумкин. Касаллик асосан баҳорда қўзғайди. Касал парранда мадорсизланган, мудроқ, камҳаракат бўлади. Ўткир ўтувчи формасида нафас олиш органлари зарарланади. Касал парранда бошини олдинга ва юқорига кўтариб, бўйнини чўзиб, тумшуғини очиб, ҳаво ютишга ҳаракат қилади ва тез-тез акса уради. Бурун тешиклари ва тумшуғидан кўпикли шилиқ суюқлик оқиб чиқади. Ошқозон-ичак тракти бузилиши

натижасида кескин озиб кетиш кузатилади. Ўлишдан олдин титроқ тутади. Ёш ғозлар орасида 50-100% ўлим кузатилади. Куйдириш лампаси билан паррандахона деворлари, ичидаги барча инвентарь ва ускуналарни куйдириш замбуруғни йўқотиш бўйича энг самарали усул ҳисобланади. Яна самарали усуллардан бири формальдегид буғлари ёрдамида ишлов беришдир. Витамин А концентрати ёш ғозларнинг аспергиллез касаллигига чидамлилигини оширади.

Колибактериоз

Ёш ғозларнинг юқумли касаллиги. Катта ёшдаги парранда кам касалланади. Касаллик қўзғатувчиси – ичак таёқчаси бактерияси. Ташқи муҳитда: ерда ва сувда 4 ойгача ўз патоген хусусиятларини йўқотмайди. Лекин касаллик қўзғатувчи бактерия 2% ли хлор оҳаки, 3% ли каустик содаси иссиқ (+80 °С) қоришмаси, 2% ли фармальдегидга чидамсиздир.

Колибактериоз билан касалланган ёш ғозларда мадорсизлик, чанқоқ ва мудроқлик белгилари бўлади, яна конъюктивит, асабийлашиш, ич кетиши, (айрим ҳолларда қон аралаш) юз беради. Касал паррандалар дарҳол йўқ қилинади. Клиник соғлом парранда антибиотиклар билан даволанади. Колибактериозга қарши неомицин бир кунда 1 кг тирик вазнига 50 гдан 6-10 кун давомида, биомицин ва терацинлин 20 г, левомицитин 30 мгдан бериш яхши натижа беради.

Вирусли энтерит

Ғоз жўжаларида ўткир шаклда ўтувчи вирус касаллиги, касаллик қўзғатувчиси ичак, юрак, жигар органларида жойлашади. Асосий белгилари: мадорсизланади, қалтироқ босади, бир ерга тўпланишиб олиб, иссиқликка интилади, кўзлари ярим очиқ ҳолда, бошини тушириб ёки ёнига қилиб туради, тез-тез эснайди, шовқинга аҳамият бермайди, иштаҳаси йўқолади. Конъюктивит, бурнидан суюқлик оқиши мумкин. Кейинчалик қон аралаш ичи кетади. Кўпинча 6-12 кунлик жўжалар касалланади.

Ғозлардаги юқумсиз касалликлар

Рахит

Асосан ғоз жўжалари касалланади. Касаллик фосфор ва кальций моддалари алмашинуви бузилишидан келиб чиқади. Озуқа таркибида ушбу моддаларнинг етишмаслиги ва яна паразитар касалликлар натижасида D_3 витамини етишмаслиги оқибатида ҳам рахит касаллиги келиб чиқиши мумкин.

Асосий характерли ўзгаришларидан бири бу суяк тизимининг ўзгаришидир. Бошланишида суякларда кучсизлик сезилади ва чўлоқланиш кузатилади. Кейинчалик суяклар букилади (қийшаяди). Кўкрак суяги, қовурға ва тумшуғи юмшайди ва шаклини ўзгартиради. Парранда ҳолсизланади ва ўсишдан орқада қолади.

Профилактика мақсадида тўйимли D_3 витамини ва кальций ҳамда фосфор муносабати 1,5-2:1 га тенглаштирилган озуқа бериш фойдали. Ёз мавсумида ўтлоқларга ҳар куни олиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Қиш мавсумида рационга беда пичани, озуқага D_3 витамини, тривитамин, балиқ ёғи ва минераль қўшимчалари (гўшт-суяк уни, суяк уни, бўр, чиғаноқ, озуқабоп оҳак, моно-, ди- ва трикальций фосфат) берилади. Қишда парранданинг қуёш нурида 3-4 соат бўлиши D-гиповитаминознинг олдини олади.

А-гиповитаминоз

Кўпинча ғоз жўжаларида учрайди. Озуқа таркибида А витамини ёки каротин моддасининг етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Касаллик, асосан, қиш ва баҳор мавсумларида рацион таркибида кўк ўтлар етишмаслигидан бошланади. Катта ёшдаги ғозлар тухум бериш мавсуми бошланганда касалланишлари мумкин.

Касаллик бошланишида клиник белгилари касалликка хос бўлмайди. Иштаҳа камайиши, қувватсизлик, кўп ухлаш, ич кетиши ва патлар тўкилиши юз беради.

Кейинчалик касалликка хос бўлган белгилари пайдо бўла бошлайди: кўздан ёш оқади, кўзнинг нурга сезгирлиги ошади, бош қисми ва кўзида сувли шиш пайдо бўлади.

А-гиповитамноз касаллигининг олдини олишда ғозларга янги узилган кўк ўтлар бериш, кузда, қишда сабзи, қовоқ, пичан ва бошқалар бериш энг самарали усулдир. Ундан ташқари яна балиқ ёғи, тривитаминлар бериш ҳам яхши натижа беради.

Касаллик пайдо бўлганда А витамини максимал дозада берилади. Даволовчи доза жўжаларга 1 кг тирик вазн учун 900-1500 ЕД, катта ғозлар учун 1 кг тирик вазн учун 1800-3000 ЕД А витамин концентрати берилади.

Стоматит

Жағлар орасида тилида дивертикулнинг пайдо бўлиши ва шиллиқ пардасининг яллиғланиши касалликнинг характерли белгиси ҳисобланади. Кўпинча қари ғозлар касалланади. Касалланган ғоз яроқсизга чиқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сметнев С. М. Птицеводство. М. - 2001.
2. Бобоев К. Х. Паррандачилик: Маъруза матни. Тошкент–2002.
3. Туркия Республикаси «Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги» ҳамда «Denizbank» ҳамкорлигида тайёрланган «100 та китобдан» иборат тўплами.
4. Кочиш И. И. Птицеводство. Москва : Колос, 2001.
5. Нормухумедов Х. И., Рахматуллаев П. Э. «Ўзбекистон паррандачилиги» илмий-оммабоп, ахборот-маърифий журнал. Тошкент : 2019.
6. https://cdn.pixabay.com/

46.83
Ғ 57
Ғозларни парваришлаш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 40 б.

ISBN 978-9943-7174-1-1

УЎК 636.598
КБК 46.83

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ

100 китоб тўплами

ҒОЗЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ

85-китоб

Нашриёт уйи “Тасвир”
Тошкент – 2021

Таржимонлар:
Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гуруҳи

Муҳаррир-мусаҳҳиҳ:
А. Аликулов

Компьютерда тайёрловчилар:
Н.С. Сайидаҳмадов, З.Б. Хошимов

Дизайнер:
С. Дониёров

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021
Босишга 06.04.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 830 нусха. Буюртма рақами: 1112

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1А.